



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 12-iyun • Payshanba • 72 (27.877) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Замоннинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, демократия моделларини бировлардан кўр-кўрона кўчириш салбий оқибатларга олиб келади. Ёт, юзакни идеалларни деб бошқаларнинг тажрибасидан кўр-кўрона нусха олмаслик, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини сунъий равишда тикиштиривермаслик керак...
Ижтимоий-сиёсий, тарихий жараёнларни бир ёклама, ноҳолис ёритадиган, халкларнинг миллий гурурини, тарихий қадриятларини таҳқирловчи материаллар тайёрлайдиган оммавий ахборот воситалари вазиятни беқарорлаштиришга, жамиятни бўлинишга олиб келиши мумкин. Демократияни барпо этиш ва ривожлантиришда, биринчи гада, Ўзбекистон тутган йўл — сиёсий тажриба ва сиёсий ирода зарур».

Миллий қадриятлар



ЧУСТ ДЎППИСИНИНГ ДОВРУФИ

Чуст азал-азалдан хунармандлар шахри ҳисобланади. Қиз-жувонлари нозик бармоқларига ип-игна олиб, каштачилик билан шугулланиб келади. Шу боис, чустликларнинг рўзгорлари бут, дастурхонлари тўкис, турмушлари фаровон.

— Ҳалимаҳон ая Қосимова чуст дўппичилигини янги қирралар билан бойитди, — дейди туман ҳокимлиги бош мутахассиси Раъноҳон Валиқонова. — Айни кунларда опанинг ўттиздан ортиқ шоғирди бор. У 2000 йилда «Гулизар» фирмасида иш бошлаганида корхонада йигирма киши ишларди. Ҳозирга келиб ишчилар сони юз нафарга етди.
Касаначилик асосида меҳнат қилаётган мазкур хотин-қизлар донғи кетган чуст дўпписининг қирқдан зиёд турини яратмоқдалар.
— Дўппи тикиш сир-асрорларини онам Меҳринисо Ҳайдаровалдан ўргандим, — дейди Ҳ.Қосимова. — Турмуш ўртоғим Мамасидик ака билан икки фарзандни тарбиялаб, воята етказдик. Айни кунларда ҳунаримни келимин ва қизларимга ўргатмоқдаман. Дарвоқе, дўппи ме-

тин иродаю кучли сабр-бардош, олий ички туйғулар ила бунёд бўлади, инсонлар бежиз уни азиз бошларидан қўтариб, эъзозламайдилар.
Қадим-қадимдан водийда урф бўлган чуст дўпписи Андижон, Бухоро, Марғилон, Қўқон ва Шаҳрисабз дўппиларидан ўзининг ўта нозик тикилиш санъати, майин нақшли чоклари билан ажралиб туради.
Халқимизда азиз меҳмонга, энг яқин кишиларга дўппи совға қилиш анъанага айланган. Чунки мазкур бош кийими доим одамлар, яқинлар ўртасидаги меҳр ришталарини янада мустаҳкамлайди.
Суратларда: чустлик дўппидўз Ҳалимаҳон Қосимова шоғирдлари билан; ёш дўппидўз Садоқат Йўлдошева.
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Қ.С.БАКИЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Курманбек Солиевич, Атоқли адиб, мутафаккир, жамоат ва сиёсат арбоби Чингиз Айтматовнинг вафоти — оғир жудодик тўғрисидаги хабарни чуқур қайғу билан қабул қилдим.
Чингиз Айтматов воқеликни бадиий образларда ёрқин акс эттириб, ҳис-туйғуларимиз ва кечинмаларимизга теран таъсир ўтказиб, ўз асарлари билан жаҳон адабиёти ҳазинасига улкан ҳисса қўшган адибдир. У ўзининг бутун ҳаёти ва ижоди билан халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги, маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиши ҳамда

маънавий қадриятларнинг ривожланиши учун курашиб келди.
Чингиз Айтматов ўзбек халқига ҳамisha дўсту қадрдон эди ва шундай бўлиб қолади. У ўз Ватанига садоқат ҳамда фидойилик билан хизмат қилиш тимсоли сифатида хотирамизда мангу яшайди.
Марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия билдираман ҳамда уларга самимий ҳамдардлик сўзларини етказишингизни сўрайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЁШЛАР — МАМЛАКАТНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ва унинг доирасида ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ёш авлодни қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилишига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Иштирокчилар эътиборига, жумладан, «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахборот ҳавола этилди.
Бельгия сиёсий доиралари ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Европа Иттифоқи, Европарламент, Брюсселда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази директори Акмал Саидов маъруза қилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда «Ёшлар йили» дастури доирасида уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасидаги ҳуқуқий базани мукамаллаштириш, янги

оилалар, ёш фермерлар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳасидаги истеъодларни аниқлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилоқда. Тадбир иштирокчилари эътиборига, мамлакатимизда ёшлар масалалари билан шугулланувчи қўллаб-қувватловчи фаолияти, шунингдек, ёшларга тахсил бериш ва қайта тайёрлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга қаратилган тури давлат дастурлари ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилди.
Анжуман хусусидаги таасуротлари билан ўртоқлашар экан, Европа халқаро муносабатлар институти етакчи эксперти Пьер-Эммануэл Томанн Ўзбекистонда ёш авлод давлат томо-

нидан кенг қўллаб-қувватланаётганига эътибор қаратди.

— 29-30 май кунлари мен Тошкентда бўлиб ўтган хавфсизлик масалалари бўйича халқаро конференцияда қатнашдим. Сафар доирасида тури таълим муассасарида бўлиб, юртингизда ушбу соҳага юксак эътибор кўрсатилаётганига гувоҳ бўлдим. Ёшлар — ҳар бир юртининг келажигидир. Шу боис Ўзбекистон раҳбариятининг жорий йили мамлакатда Ёшлар йили, деб эълон қилиш тўғрисидаги қарори ниҳоятда муҳим қадам бўлди. Бинобарин, айнан ёшлар мамлакатни халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашни таъминлайдиган қудратли кучдир, — деди эксперт.

Брифинг доирасида Ёшлар йилига бағишлаб Ўзбекистон миллий телерадиокорпорацияси ва «Жаҳон» ахборот агентлиги томонидан тайёрланган «Келажакка интилиб» ҳужжатли фильмининг намойиш этилди.

Азим МУҲАМЕДЖОНОВ,
«Жаҳон» АА.
Брюссель.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИ — ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Тошкентда 9-10 июнь кунлари замонавий демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари эркинлигига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Уни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Минтақавий сиёсат жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан ҳамкорликда ташкил этди.

Конференцияда Буюк Британия, Германия, Миср, Исроил, Индонезия, Хитой, Қувайт, Малайзия, Польша, Жанубий Корея, Россия, АКШ, Туркия, Украина, Франция, Япония каби жами 18 мамлакатдан эксперт, таҳлилчи ва журналистлар, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган қатор халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Европа, Осиё ва Америкадан қўллаб-қувватловчи оммавий ахборот воситалари фаолиятига умумэтароф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва демократик андозаларни жо-

рият этиш масалалари ҳамда жамиятни демократик аниқлаш жараёнида устувор аҳамият касб этадиган ахборот соҳасини эркинлаштиришнинг бошқа жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

«Ушбу конференция Ўзбекистонда ўтказилаётган гоёт хайрли тадбирларнинг муқаддасидир. Унда кўтарилган мавзу ЕХТга аъзо 56 мамлакатнинг барчаси, жумладан, Марказий Осиё давлатлари учун ҳам жуда муҳимдир», — деди Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХТ) оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича вакили Миклош Харашти анжуманнинг очилишида. Унинг фикрича, «ушбу конференция Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, демократлаштириш ва монополиядан чиқариш йўлидан изчил бораётганидан далолатдир».

(Давоми 2-бетда)

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ИНСОН ҲУҚУҚИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни тарғиб этиш, қонунларнинг мазмун-моҳиятини электрот вакилларига тушунтириб бериш бугун ЎзХДП ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Шундан келиб чиқиб, Тошкент вилоят партия кенгашида Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган «Ўзбекистон ХДП Жамоатчилиги қабулхоналарининг электрот манфаатлари, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги роли ва аҳамияти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.
Тадбирда маъруза қилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Алия Юнусова,

Тошкент вилоят партия кенгаши раиси Сирожиiddин Аъзамов, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ маслаҳатчиси Икром Саидовлар мавзу юзасидан атрафлича тушунтириш бердилар. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши ушбу табиий ҳуқуқларни халқаро миқёсда мустаҳкамлади. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи куниданоқ инсоният тамаддунининг бу ютуғини амалда татбиқ этишга тайёр эканлигини кўрсатди. Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти ва шаъни олий қадрият экани белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилигимиз изчил ривожланиб бормоқда. Ҳозиргача, икки палатали парламентимиз инсоннинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъ-

минлашга қаратилган 157 та қонун қабул қилди.
Иштирокчилар айни жараёнда мамлакат фуқароларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти юксалиб бораётганини, электротратимизнинг талабчанлиги ҳам ошаётганини қайд этдилар. Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари Жамоатчилиги қабулхоналари бевосита шунинг натижасида юзага келди. У одамларнинг катта-кичик масалаларини ечишда, манфаатларини ҳимоя қилишда ўзига хос ўрин тутмоқда. Шундан келиб чиқиб, тузилма фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича тақлиф ва мулоҳазалар муҳокама этилди. Бу ишларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари иштирокни кучайтириш ва масъулиятини ҳар томонлама ошириш борасида фикрлар билдирилди.
Ўз мухбиримиз

ЗАМОНАВИЙ, ИХЧАМ, ҚУЛАЙ

«ISUZU» автобуслари йўловчиларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда

Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятлари аҳолиси учун кенг имкониятлар яратилмоқда. «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўлининг фойдаланишга топширилиши халқимиз асрлар оша кутган орзуларнинг рўёби бўлди. Шу билан бирга, мазкур худудларнинг автомобиль йўлларини ҳам қайта қуриш, таъмирлаш ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Бугун қадим Кешга йўлининг тушса, йўлларнинг раван ва текислигига гувоҳ бўласиз. Айни кунларда ана шу хайрли ишлар Сурхондарёда қизган тус олган. Бу — истиқлол имконияти, мустақиллик шарофатидандир.

Тан олиб айтиш лозимки, 150 минг нафардан ортиқ аҳолига эга Термиз шаҳрида транспорт хизмати кўрсатиш борасида муаммолар бўлган. Яқиндан бошлаб шаҳар ичига қатнайдиган 30 та янги автобус келтирилди. Ҳозир мазкур «ISUZU»-лар йўловчиларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилмоқда. Уларда йўл баҳоси ҳам анча арзон...
«Ўзбекистон — Япония» қўшма корхонаси томонидан Самарқандда ишлаб чиқарилган 37 ўринли мазкур уловлар «Ўзавто-саноат» лизинг компаниясининг 30 фоизлик бўнақ тўлови ҳисобидан олинди. Яқин кунларда замонавий, ихчам ва қўлай автобуслар сони яна 20 га кўпаяди...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИ — ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Анжуманда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари Президент Ислон Каримов юриётдан сиёсатнинг гоят муҳим устувор йўналишига айланганни таъкидлади. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин қўйилган биринчи халқаро ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Ушбу декларация қондалари инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жумладан, ахборот олиш ва ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқий ишончли ҳимоя қилинишни кафолағлайдиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қонунчилигида ўз ифодасини топан. Конференция иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони бу йўналишдаги яна бир муҳим қадам бўлди. Дастурда эркин оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар алоҳида ўрин тутди. Қайд этилгандек, жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатда ушбу муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатга, уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш масаласига бу қадар катта эътибор берилмаган.

Бугун Ўзбекистонда мингдан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият юртимда. Сунгги 10 йил ичида босма оммавий ахборот воситалари сонидан баравар кўпайиб, ҳозир қарийб 900 газета ва журнал чоп этилмоқда, тўртта ахборот агентлиги, ўнбита телерадиокомпаниялар, шунингдек, Интернет-агентликлар ва ахборот хизматлари ишлаб турибди. Мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ахборот соҳасида бозор механизмининг изчил ва босқичма-босқич ҳақиқатини таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирлар қўрилди. Нодавлат радио ва телестанциялар, босма нашрлар ва агентликлар тармоғи жадал ривожланимда. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоатчилик фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ташкил этилди. Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури амалга оширилмоқда. Мамлакатда фикрлар хилма-хиллиги ва аҳолининг сиёсий маданиятини шакллантиришга хизмат қиладиган кўп партияли матбуот ривожланмоқда. Ўзбекистон жамиятининг кўп миллатли эканлиги инобатга олиниб, 12 тилдаги газеталар чоп этилмоқда, кўп тилларда телекўрсатув ва радиоэффирлар олиб борилмоқда.

Конференцияда хорижий экспертлар Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш босқичма-босқич, изчил, тизимли ва тараққий тарзда амалга оширилганлигини таъкидладилар. Мамлакатда мустақил қонуний асосда шакллантирилган. У умумэтироф этилган халқаро меъёр ва андозаларга мос бўлиб, ахборот соҳасини жадал, изчил ва эркин ривожлантириш учун шарт-шароит яратмоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солуви ҳамда зиёд қонун қабул қилинган. Улар орасида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида», «Реформа тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар бор. Цензурага, ахборотнинг монополаштирилишига йўл қўйилмаслиги, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш ҳуқуқлари, журналистларнинг профессионал фаолиятини кафолағлаш ва ҳимоя қилиш қонунан белгиланган, оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш қондалари соддалаштирилган. Шунингдек, журналист текширув ҳуқуқий қатъий белгилаб қўйилган. Бу шундай муҳим қонуний меъёри, ривожланган мамлакатлар уни қонун йўли билан тасдиқлаши учун 100 йилдан ортқ вақт керак бўлган.

«Ўзбекистонда, ҳақиқатан ҳам, оммавий ахборот воситалари ва журналистиканинг мустақиллигини таъминлаш йўлида катта қўллардан қўйилган», — деди Жан-Нугейя Корейяда нашр этиладиган «The Korea Post» журнали президент-ношири Ли Кён Сук. — Бугун мамлакатда халқнинг тараққий йўлида фидокорона меҳнат қиладиганини кўриш мумкин. Конференция арафасида Самарқанддаги хусусий телестанциялардан бирининг фаолияти билан танишиш имконига эга бўлдим. Мен мамлакатингизда хусусий бошқариладиган ва молиялаштириладиган оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатаётганини, бу эса уларнинг мустақиллигини таъ-

минлаётганини юксак баҳолайман. Бу — Ўзбекистонда телекоммуникациялар соҳасида нодавлат сектори ривожланаётганидан, жамият демократик янгилаётганидан эркин далолатдир».

Конференцияда таъкидланганидек, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини мустақиллаштириш, моддий-техника базасини яхшилаш, илгор технологиялар ва замонавий усуллар билан жиҳозлаш, журналист кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касб маҳоратини ошириш масалалари давлатнинг доимий диққат-эътиборида турибди.

«Ўзбекистонда босқичма-босқич ва пухта ўйланган демократик фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Бунда демократлаштиришнинг жаҳонда умумэтироф этилган асослари миллий аҳваллар билан уйғунлаштирилмоқда, бу ижобий таърирнинг Украинада ҳам қўллаш яхши самара берган бўлар эди», — деди Фуқаролик институтлари муаммоларини тадқиқ этиш маркази (Украина) директори Виталий Кулик. — Мамлакатингизда давлат ва Президент мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатмоқда. Бунинг учун махсус жамоатчилик жамғармаси тузилган, электрон оммавий ахборот воситалари ва Интернет мақонини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган мақсадли фармонлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда, янги веб-сайтлар, мустақил теле-станциялар очилмоқда. Журналист кадрлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилган. Демократия журналистиканинг ижтимоий масъулиятини таъминлаш билан мустақил тақдирдаги самарали бўлади».

«Сунгги 20 йил мобайнида мен Ўзбекистонга бир неча бор келдим ва ҳар гал бу мамлакатда юз бераётган қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган тадбирлардан хайратга тушаман», — деди Мисрнинг «Ал-Масайей» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Муҳаммад Саломо. — Мамлакатингизда демократия ва оммавий ахборот воситалари эркинлигининг энг эркин тасдиғи Президент Ислон Каримовнинг ўзи матбуот анжуманларини нақадар демократик рўҳда ва очик ўтказишда яққол намоён бўлди. Давлатингиз раҳбари томонидан мад-медиа индустриясини ривожлантириш борасида 2005 йилда (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузаси назарда тутилмоқда — УэА) илғор сурилган ва оммавий ахборот воситаларини хусусий бизнес, тадбиркорлар ва хусусий шахслар томонидан молиялаштиришни кенгайтиришга оид тақлифлари айниқса диққатга сазовордир. Бу сўз эркинлигини таъминлаш ва оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришга хизмат қиладир».

Конференция очик мулоқот, оммавий ахборот воситаларининг бевосита демократик ислохотлар билан боғлиқ фаолиятини ташкил қилиш борасида ечимини кутаётган масалалар юзасидан эркин фикр алмаштириш тарзида ўтди.

«Оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашда бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиш имконияти берилганидан жуда мамнунман, — деди АКШ Миллий матбуот клуби аъзоси Питер Хикмен. — Ушбу анжуманинг ўтказилиши Ўзбекистон халқаро ҳамкорлигини, жумладан, ЕХТДек халқаро ташкил билан алоқаларни ривожлантиришга интилайётганига яхши мисолдир. Тошкент анжуманида қўллаб-қувватланган раҳбарнинг иштирок этишгани дунёда демократия шарафига оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид масалалар юзасидан таърибга алмашидан манфаатдорлик мавжуд эканлигини кўрсатди. Президент Ислон Каримовнинг жамиятни демократлаштиришга қаратилган ташаббуслари халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Мустақил журналист сифатида Ўзбекистонда бу жараён қандай кечаётгани мени жуда қизиқтиради».

Айни вақтда, конференция иштирокчиларининг чиққишларида таъкидланганидек, сўз эркинлиги шунчаки эришилмайдиган мақсад эмас, балки демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартидир. У бошбошдоқликни англашмайди, фикрлар хилма-хиллиги деганда эса нафақат ўз мулоҳазаларини эркин баён этиш имконияти, балки ахборотнинг ҳаққонийлиги, ишончлилиги, жамиятда барқарорлиқни сақлаш учун масъулият ҳисси ҳам назарда тутилди.

«Барқарор ривожланишни таъминлаш учун оммавий ахборот воситалари эркин бўлиши зарур ва бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси таъминлайдиган тўла мос келади, — деб ҳисоблайди «Дойче Велле» академияси (Германия) катта маслаҳатчиси Франк Лемке. — Бироқ ҳар қандай эркинликнинг ҳам, биринчи галда, хавфсизлигини таъминлаш мақсадига, муайян чек-чегараси бўлиши лозим. Шу боис, оммавий ахборот

воситалари холис ахборот бериш борасида ўз масъулиятини англаб етиши керак. Афсуски, барча мамлакатларда ҳам аҳвол шундай деб бўлмайди. У ёки бу масалани ёритишда журналист одобини сақлаш, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан жамоатчиликнинг холис назоратини ўрнатиш муҳимдир».

Мустақил оммавий ахборот воситаларининг оёққа туриши ва ривожланиши, бутун демократик жараён каби, ҳар бир мамлакатда ўз хусусиятларига эга бўлади, ушбу мамлакат халқининг менталитети ва миллий-маданий ўзига хослигига таъминлашда давлат бош ислохотчи сифатида намоён бўлаётгани яна шундай хайрли мақсадга хизмат қилмоқда. Менинг Ўзбекистон раҳбариятининг сиёсати ва тутган йўли тўғри эканлига ишончим қомил».

«Оммавий ахборот воситалари — давлат билан жамият ўртасидаги ўзига хос робитадир, — деди Россия Федерацияси Президенти ҳузурдаги Россия давлат куралини академиясининг сиёсат-шунослик кафедраси мудири Лидия Тимофеева. — Уларнинг эркинлиги демократиянинг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Ўзбекистонда бу соҳада сунгги йилларда юз берган янгиликлардан бири — ҳам ҳуқуқмат қарашли, ҳам мустақил оммавий ахборот воситалари эркин фикр билдиришга хизмат қилмоқда. Уларнинг бундан бунён ривожланиши хилма-хиллик асосида кечмиш керак, деб ўйлайман. Бу оммавий ахборот воситаларининг, ҳақиқатан ҳам, эркин бўлишига олиб борадиган йўлдор. Ўзбекистон матбуоти билан танишиб, мамлакатингизда журналистларнинг касб маҳорати ва эркин фикр билдириш даражаси анча юқори экан, деган хулосага келдим. Ҳозир бизда, Россияда танқид жуда кўп. Ўйлайманки, Ўзбекистон газеталари ва телевиденисидаги хотиржам ва ваазим оханг, нафақат муаммолар тилга олинмиши, айни пайтда уларнинг ечим ҳақида ҳам сўз юритилиши — алоҳида таъкидлаш жоиз бўлган муҳим ижобий таърибдир. Ўзбекистоннинг таърибаси демократия барпо этаётган бошқа мамлакатлар учун ҳам зарурдир».

Қувайтнинг «Ал-Аламис» журнали бош муҳаррири Салоҳ Султон қўйидагиларни таъкидлади: «2007 йилнинг декабрида Ўзбекистон Президентини сайловда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этар эканман, мен Ўзбекистонда қўллаб-қувватланадиган ўнмақсадли раҳбариятнинг демократиянинг энг олий андозаларини белгилаб олган ва шу йўналишда изчил олға интилмоқда».

«Замоннинг ўзи шунини кўрсатмоқдаки, демократия моделларини биринилардан кўр-кўрона кўчириш салбий оқибатларга олиб келади, — деб ҳисоблайди Шарқий Европа ва МДҚ мамлакатлари институтининг (Исроил) таҳлил бўлими раҳбари Лев Вершинин. — Ёт, юзак идеалларни деб бошқаларнинг таърибасидан кўр-кўрона нусха олмастик, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини сунъий равишда тикиштириш, халқларнинг миллий гуруҳини, тарихий қадриятларини таъхирловчи материаллар тайёрлашлар оммавий ахборот воситалари вазиятни беқарорлаштиришга, жамиятни бўлинишга олиб келиши мумкин. Демократияни барпо этиш ва ривожлантиришда, биринчи галда, Ўзбекистон тутган йўл — сиёсий таърибда ва сиёсий ирода зарур».

«Тошкентда ташкил қилинган конференция жуда долзарб ва кенг қўламли бўлиб, унда дунёнинг қўллаб-қувватланадиган экспертлар иштирок этдилар ва очик мунозаралар чоғида ўз мулоҳазаларини, қарашларини билдириш, ўз мамлакатининг таърибаси билан ўртоқлаштириш имкониятига эга бўлдилар, — деди Хитой Ижтимоий Фанлар Академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти етакчи илмий ходими Чжао Хуэйжун. — Ҳар бир мамлакат ривожланиш жараёнида муайян муаммоларга дуч келади, албатта. Уларга ечим топишни бир-биримиздан ўрганиш нафақат Ўзбекистон, балки бошқа давлатлар, жумладан, Хитой учун ҳам муҳим ва фойдаландир. Мен унчун, айниқса, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг уларнинг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш нуктаси назардан жаддан ривожланишига тўғрисидаги батафсил маълумот жуда қизиқарли бўлди. Уларни эркинлаштириш учун кўп ишлар қилинган, қонуний асос яратилган, давлатдан мустақил бўлган телевидение, радио, газета ва журналлар очилди, муваффақиятли ривожланимда. Демократиянинг ҳамма учун ягона андозаси мав-

жуд эмаслиги борасида барча конференция қатнашчиларининг фикри бир жойда чиққани қувонарлидир. Ҳар бир халқ ўз маданияти, иқтисодий, анъаналарининг ўзига хос хусусиятларига имкон қадар тўла мос бўлган ўз йўлини танлайди. Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов томонидан белгилаб берилган ислохотларни амалга оширишнинг беш тамойили ҳаётга татбиқ этилаётгани, жумладан, демократияни ривожлантиришда ҳамда оммавий ахборот воситалари эркинлигини, инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат бош ислохотчи сифатида намоён бўлаётгани яна шундай хайрли мақсадга хизмат қилмоқда. Менинг Ўзбекистон раҳбариятининг сиёсати ва тутган йўли тўғри эканлига ишончим қомил».

«Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари — давлат билан жамият ўртасидаги ўзига хос робитадир, — деди Россия Федерацияси Президенти ҳузурдаги Россия давлат куралини академиясининг сиёсат-шунослик кафедраси мудири Лидия Тимофеева. — Уларнинг эркинлиги демократиянинг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Ўзбекистонда бу соҳада сунгги йилларда юз берган янгиликлардан бири — ҳам ҳуқуқмат қарашли, ҳам мустақил оммавий ахборот воситалари эркин фикр билдиришга хизмат қилмоқда. Уларнинг бундан бунён ривожланиши хилма-хиллик асосида кечмиш керак, деб ўйлайман. Бу оммавий ахборот воситаларининг, ҳақиқатан ҳам, эркин бўлишига олиб борадиган йўлдор. Ўзбекистон матбуоти билан танишиб, мамлакатингизда журналистларнинг касб маҳорати ва эркин фикр билдириш даражаси анча юқори экан, деган хулосага келдим. Ҳозир бизда, Россияда танқид жуда кўп. Ўйлайманки, Ўзбекистон газеталари ва телевиденисидаги хотиржам ва ваазим оханг, нафақат муаммолар тилга олинмиши, айни пайтда уларнинг ечим ҳақида ҳам сўз юритилиши — алоҳида таъкидлаш жоиз бўлган муҳим ижобий таърибдир. Ўзбекистоннинг таърибаси демократия барпо этаётган бошқа мамлакатлар учун ҳам зарурдир».

Қувайтнинг «Ал-Аламис» журнали бош муҳаррири Салоҳ Султон қўйидагиларни таъкидлади: «2007 йилнинг декабрида Ўзбекистон Президентини сайловда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этар эканман, мен Ўзбекистонда қўллаб-қувватланадиган ўнмақсадли раҳбариятнинг демократиянинг энг олий андозаларини белгилаб олган ва шу йўналишда изчил олға интилмоқда».

«Замоннинг ўзи шунини кўрсатмоқдаки, демократия моделларини биринилардан кўр-кўрона кўчириш салбий оқибатларга олиб келади, — деб ҳисоблайди Шарқий Европа ва МДҚ мамлакатлари институтининг (Исроил) таҳлил бўлими раҳбари Лев Вершинин. — Ёт, юзак идеалларни деб бошқаларнинг таърибасидан кўр-кўрона нусха олмастик, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини сунъий равишда тикиштириш, халқларнинг миллий гуруҳини, тарихий қадриятларини таъхирловчи материаллар тайёрлашлар оммавий ахборот воситалари вазиятни беқарорлаштиришга, жамиятни бўлинишга олиб келиши мумкин. Демократияни барпо этиш ва ривожлантиришда, биринчи галда, Ўзбекистон тутган йўл — сиёсий таърибда ва сиёсий ирода зарур».

«Тошкентда ташкил қилинган конференция жуда долзарб ва кенг қўламли бўлиб, унда дунёнинг қўллаб-қувватланадиган экспертлар иштирок этдилар ва очик мунозаралар чоғида ўз мулоҳазаларини, қарашларини билдириш, ўз мамлакатининг таърибаси билан ўртоқлаштириш имкониятига эга бўлдилар, — деди Хитой Ижтимоий Фанлар Академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти етакчи илмий ходими Чжао Хуэйжун. — Ҳар бир мамлакат ривожланиш жараёнида муайян муаммоларга дуч келади, албатта. Уларга ечим топишни бир-биримиздан ўрганиш нафақат Ўзбекистон, балки бошқа давлатлар, жумладан, Хитой учун ҳам муҳим ва фойдаландир. Мен унчун, айниқса, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг уларнинг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш нуктаси назардан жаддан ривожланишига тўғрисидаги батафсил маълумот жуда қизиқарли бўлди. Уларни эркинлаштириш учун кўп ишлар қилинган, қонуний асос яратилган, давлатдан мустақил бўлган телевидение, радио, газета ва журналлар очилди, муваффақиятли ривожланимда. Демократиянинг ҳамма учун ягона андозаси мав-

Анна ИВАНОВА, ЎЗА муҳбири

✓ Фракция фаолияти

ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРЛАР

мамлакат ва фуқаролар манфаатларида хизмат қиладир

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган бир неча қонун лойиҳалари иккинчи ўқишда қўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикасининг Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси бўйича депутат Фаҳриддин Комилوف сўзга чиқди.

Лойиҳада Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга лицензиясиз фаолият кўрсатганлик учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи нормани киритиш тақлиф этилмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг 49-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасида қонун лойиҳаси юзасидан Маммурий жавобгарлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг йиғилишида имзоланган Ҳужжат Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг минтақавий ахборот воситалари тизимига аъзо бўлиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилиш тақлиф этилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг 49-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фаҳриддин Ражабов сўзга чиқди. Қонун лойиҳасига мувофиқ, фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишни таъминлаш мақсадига Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига жиноят процессида жимоячи сифатида фақат юридик маълумотга эга адвокат иштирокчи доир ўзгариш ва қўшимчалар киритиш

мий тиллари сифатида рус, хитой тилларидан фойдаланиш белгиланган.

Йиғилишда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган бир неча қонун лойиҳалари иккинчи ўқишда қўриб чиқилди. «Ўзбекистон Республикасининг Жўжалик процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида депутат Ойша Аҳунова сўзга чиқди.

Лойиҳа Жўжалик процессуал кодексининг 23-бобини аризалар бериш тартиби, уларнинг шакли ва мазмунига оид масалаларни тартибга соладиган, ариза билан муҳожаат қилиш учун суднинг қарори қабул қилингандан кейин ўтган, ариза қўриб чиқилуш мuddатларини белгилайдиган 192-модда билан тўлдиришни назарда тутди. Шунингдек, кодекснинг 197-моддасини янги тахирда баён этиш тақлиф этилмоқда.

Йиғилишда фракция ваколатларига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Тақлиф этилаётган қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимиз ва фуқаролар манфаатларига хизмат қилиши таъкидланди. Улар юзасидан фракциянинг нуктаи назари ишлаб чиқилди.

(ЎЗ муҳбири).

✓ ЎЗХДП ташаббуси билан

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИ

Пойтахтимиздаги Ботаника ботига бир гуруҳ болалар ташриф буюришди. Улар асосан Юнусобод туманидаги Окқўрган ва бошқа маҳаллаларнинг ўғил-қизларидир. ХДП туман кенгаши бу ерда болаларнинг ёзги таътил кунлари бошланиши муносабати билан қўнғилочар ҳамда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун тарғиботига бағишланган тадбир ўтказди.

— Бизга кўп мурожаат этадиган, партиямиз билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган фаол маҳаллардан бири Окқўрган маҳалласидир, — деди ЎЗХДП Юнусобод туман кенгаши раиси Нигора Ғафурова. — Айтиш керакки, бу тадбир анъанавий услан. Болаларга ўқув қуроллари совға қилдик. Шунингдек, туман партия кенгаши ахборот-ресурс марказидан

болалар унумли фойдаланиши учун қулай шароит яратиб қўйганмиз.

Тожиқон РАҲМЕТОВА, Окқўрган маҳалла фуқаролар йиғини раиси: — Ҳар йили болаларимиз иштирокида қўллаб-қувватланган ўқатқини анъанавий айлан-тирганмиз: Унда албатта мусиқа, болаларнинг севишли таомлари, ўйинлар бўлади. Бу тадбирларда маҳалланинг барча болалари иштирок этади. Чунки фарзандлар қандай оиладан бўлмасин, биз учун қадри. Ватан остонадан бошланади дейдилар, ёшларда яшаб турган маҳалласига меҳр бўлса, она юртининг қадрига етади. Халқ демократик партияси туман кенгаши бундай эзгу ишларни амалга оширишда бизга ҳар ҳижатдан ёрдам бермоқда.

Гулгун СУЛТОНОВА

САВОБ ИШ

Қамаши шаҳридаги темир йўл ёқасида катта қабристон бор. Ундан сал нарида бир тадбиркор «Хунарманд» мажмуига асос солди. Сара пишиқ гиштдан қад кўтарган, моҳир усталар санъатини кўз-кўз қилиб турган мажмуада ошоҳна, бир неча савдо дўконлари туман аҳлига хизмат қилиб келяпти. Ганинги рости, бу сингари кўркам ва барча қулайликлар ҳозирланган иморат туманда ягона. Унинг ёнидаги девор билан нари-бери ўралган қабристон эса ғариб ва ноқор кўринар эди. Бугун эса бу ерда бошқача марказга гувоҳ бўласиз.

Қабристон олди баянд гиштин девор билан ўралган. Ён томонидagi қўллаб-қувватланадиган иморатдан иморат кўрувчилар астойдил меҳнат қилишапти. Бир қарашдаёқ «Хунарманд» мажмуи билан уйғун, миллий меъморчиликнинг анъаналарини сингдирган лойиҳа бўйича иш кетаётганини англаша бўлади.

— Очиги, анчадан бунён шу қабристонни обод қилиш ҳақида ўйлаб юрардик. — дейди Олимжон Қўлчиев. Чунки ўтганлар руҳини шод қилиш, қадрлаш барчамизнинг бурчимиз. Аввал, пухта лойиҳа тайёрланди. Қабристонга таъаб тилганган иморатнинг қўллаб-қувватланадиган хунарманд усталар фаолият кўрсатишди. Катта маблагнинг тадбиркорларимиз ахратти. Шу йилнинг охиригача қўрилиш, ободончилик ишлари ниҳоясига етади.

Юнус УЗОҚОВ



«РУХШОНА» ўқув марказининг «Матлуботсавдо» акциядорлик жамияти ҳузурда иш бошлаганиги Қува туманидаги ёшларни беҳад қувонтирди. Унда бугунги кунда 700 нафардан ортқ хотин-қиз ўзлари танлаган йўналишлари бўйича хунар урганмоқдалар. Айниқса, тикувчилик, пазандачилик, элита пардалари тикиш, дизайнлик — уйни безатиш ва компьютер саводдонлиги курсларига қизиқиш катта.

Шу жамият туман марказида қўллаб-қувватланадиган савдо хизмати кўрсатиш шохбачалари ташкил этиб, аҳолига замонавий сервис хизмати кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг ўзида бу ерда йиғирмадан ортқ ана шундай замонавий шохбачалар очилди. Туманнинг чекка кишлоқларида ҳам бу борадаги ишлар қўлами бирмунча кенгаймоқда.



Суратларда: «Рухшона» ўқув маркази раҳбари (билан машғулот пайтида); ўқув марказида иш қизиган.

М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



ИСТЕЪФО БЕРДИ




БМТ ОИВ — ОИТС дастури ижрочи директори Питер Пиот 13 йиллик фаолиятдан кейин истеъфога чиқмоқда, деб хабар беради Рейтер. Буни БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ОИВ — ОИТС муаммоларига бағишланган учрашууда маълум қилди. Бош котиб Питер Пиотнинг ўрнини ким эгаллашни айтгани йўқ.

Питер Пиот бошчилигидаги дастур вирусга қарши курашувчи кенг қўламли тарғиботга айланган. Айни вақтда, ер юзиде 33,2 миллион киши бу оғир касалга дучор бўлган.

ПАРЛАМЕНТНИНГ ИЛК ЙИГИЛИШИ

Янги сайланган Сербия парламентининг илк йиғилиши бўлиб ўтди, деб хабар беради РИА Новости. Йиғилишда депутатларнинг ваколатлари тасдиқланди. Биринчи мажлисдан сўнг депутатлар 90 кун мобайнида Вазирлар Маҳкамасини шакллантириши керак. Агар депутатлар ҳукумат таркиби бўйича бир қарорга кела олмаса, янгидан сайлов ўтказилади.



Эслатиб ўтамыз, 11 май куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари парламент сайловида Европа Сербияси учун — Борис Тадич коалицияси ғолиб бўлган эди.

ПУЛЛАР ҚАЙТАРИЛИШНИ БУЮРДИ



Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажот мамлакатдаги йирик банкларнинг Европадаги банкларда сақлаётган маблағларини Эрон Марказий Банкига қайтаришни буюрди, деб хабар беради The Telegraph. Унинг таъкидлашича, акс ҳолда, Эронга иқтисодий санкциялар қўлланилганда бу маблағлар «музлатиб» қўйилади. Сўнги вақтларда АҚШ Эрон банклари фаолиятига нафақат ўз ҳудуди, балки Европада ҳам тўсқинлик қилишга уринмоқда. Шу йўл билан Жорж Буш Эроннинг молия ташкилотлари фаолиятини чеклаб, ядро дастурини молиялаштини тўхтатмоқда.

Эслатиб ўтамыз, шу йилнинг март ойида БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эрон ядро дастури бўйича қабул қилган резолюцияда мамлакатга иқтисодий чекловларни кучайтириш назарда тутилган.

ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Германия ҳукумати энергия манбаларидан унумли фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонун қабул қилди, деб хабар беради РИТА-ТАСС. Бундан кўзланган асосий мақсад 2020 йилга бориб табиати захарловчи карбонат ангидрид газининг ҳавога чиқишини ўттиз олти фоизга камайтиришдан иборат.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мазкур ҳужжатга кўра, мамлакатда саноат, кундалик ҳаёт ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишда энергия манбаларидан унумли фойдаланиш имконини берадиган янги замонавий технологиялар ишга туширилади.

ЙИРИК ЗАВОД ҚУРИЛАДИ

Мексиканин Мехикали шаҳрида қуёш батареяларининг ячея-касини ишлаб чиқаришга ихтисослашган дунёдаги энг йирик завод қурилади. Маълумотларга кўра, ушбу завод Германиянинг «Кью-Селлс» компанияси томонидан барпо этилади.

Хабарларга қараганда, заводда беш мингга яқин иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Частное иностранное предприятие «SPRING TEKSTIL» сообщает об изменении формы собственности в обществе с ограниченной ответственностью.

Табиат ва инсон

ҚУЁШ БАТАРЕЯСИ

Яқинда Сурхондарё вилоятидаги «Оқтепа» табиат ботиғида, Термиз туманидаги 1-шифоҳонага ва Шеробод туманидаги «Саид Қулфиддин» фермер хўжалигига биттадан қуёш батареяси ўрнатилди.

Қуёш батареяларининг қандай фойдаси ва имкониятлари бор? Вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Рўзигул Сафарова бу ҳақда шундай дейди:

— Фанда ва амалиётда исботланган ҳақиқат шуки, қуёш экологик тоза қувват манбаидир. Қайталанувчи қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш дунёнинг пешқадам мамлакатларида жорий этилган. Қувонarli томони шундаки, бизда ҳам қуёш батареялари ўрнатиш кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Масалан, Термиз туманидаги 1-шифоҳонага ўрнатилган

қуёш батареяси йилига бир ярим миллион сўм маблағни тежаб қолиш имкониятини беради.

Республика Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошидаги «Эко-энергия» илмий тадбиқий марказининг ижрочи директори Абдумажид Хўжаев қуёш энергияси афзалликлари хусусида шундай фикр билдирди:

— Бугунги кунда бутун дунёда энергия ресурсларининг танқислиги ва нархининг мунтазам ошиб бораётганлиги кузатиляпти. Жаҳон олимлари қайталанувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг янгидан-янги йўллари ни изламоқдалар. Мисол учун, қуёш энергияси ёрдамида сув иситиш усули дунё миқёсида кенг қўлланиб келинмоқда. Юз минглаб турар-жойлар шундай сув иситиш қурилмалари воситасида тежамкор қилиб қурилган. Биогаз қурилмаларида қайта ишлаб, метанли ёнилғи газ

олиб, табиий газ ўрнига ишлатиш мақсадида фақат Германиянинг ўзида 2005 йилда 600 та завод ишга туширилган.

Ортимизда ҳам бу борада етарлича амалий тажриба йирилган. Масалан, бир қанча биноларда ўзимизда ишлаб чиқилган сув иситиш қурилмалари синиб кўрилди. Натijasи ёмон бўлгани йўқ. Бу усул аънавий сув иситиш омилидан қолишмаслиги амалда исботланди. Навбатдаги вазифамиз — қишининг совуқ кунларида ҳам самалари ишловчи муқобил сув иситиш қурилмаларини жорий этишдир. Утказилган тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, пассив қуёш технологиясини қўллаш турар-жой биноларида катта самара бермоқда. Бу билан иситиш учун аънавий ёқилғига бўлган талабни мамлакатимиз иқлим шароитида бир неча баробар камайтириш мумкинлиги аниқланди.

Термизлик таниқли жарроҳ Абдурасул Қодиров шундай ҳикоя қилади:

— Утган йил қиш охирида қолганда Бошқирдистон Республикасига бордим. У ерда тиббиётчи олим, академик дўстимнинг қуюқ ўрмон ичидаги дала ховлисида бўлдим. Дид билан қурилган хоналар иссиққина эди. Қуёш ботиши билан электр чироқлари ўз-ўзидан ёнди. «Ўрмондаги яқка уйга сарф-харажатдан қочмай сим торттирибди-да» деб ўйладим. Ташқарига чиқиб қарасам, на симёғочдан, на симдан дарак бор. Маълум бўлишча, том устидаги қуёш батареялари ёрдамида хоналар исиб, чироқ ёнар экан.

Мамлакатимиз, хусусан, серқуёш воҳамиз экологик тоза ва айни пайтда тежамли бўлган электр манбаидан кенг фойдаланадиган кунлар яқин. Зеро, марказий электр тармоғидан узок жойларда яшайдиган, меҳнат қиладиган одамлар ҳам бу беминнат электр манбаидан доимий равишда фойдаланишлари мумкин.

Маҳмуд АБДУЛҒАЙ, журналист.
Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

«GM Uzbekistan» ЁАЖ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«ЎЗДЭАВТО» ЁТАЖ («GM Uzbekistan» ЁАЖ)га янги пресс цехи 1-босқичи қурилиши, Буюртмачи: «GM Uzbekistan» ЁАЖ. (Анджон вилоят Асака шаҳри, Хумо кўчаси, 81. Тел: 8 374 233-05-30)

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан. Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Анджон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин.

Анджон ш., Б.Ҳақимов кўчаси, 14-а уй. Тел/факс: (8-3742) 24-72-79.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридеги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охири мuddати — оферталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан сўнг юқоридеги кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ИПОТЕКА-БАНК»

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. САМАРҚАНД ШАҲРИ, А.Р.БЕРУНИЙ Кўчасидаги АТБ «ИПОТЕКА-БАНК» БИНОСИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ. Қурилиш ишларини бажариш мuddати — 4 ой. Қурилиш ишлари АТБ «Ипотека-банк»нинг хусусий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази. Буюртмачи — АТБ «Ипотека-банк»нинг Самарқанд вилоят филиали. Манзили: Самарқанд шаҳри, А.Р.Беруний кўчаси, 31-уй, телефон: (8366) 234-29-36.

ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин. Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00. Танлов ҳужжатлари бир тўпламнинг қиймати— 60 000 сўм. Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охири мuddати — оферталар очилиш куни ва соати-гача. Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, А.Р.Беруний кўчаси, 31-уйда соат 10.00 да АТБ «Ипотека-банк»нинг Самарқанд вилоят филиали биносида ўтказилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАНИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙИДАГИ ИНШОТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги 640 ўқувчи ўринли 1-сонли мактабнинг №1,2 ўқув блокларини капитал таъмирлаш.

Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 192.309.010 сўм. Қурилиш мuddати — 90 кун.

Буюртмачи — Қашқадарё вилоят ҳоқимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Манзили — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

Телефон: (8-375) 227-16-56, 227-19-82. Қурилиш ишларини молиялаштириш — Ўзбекистон Республикаси мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

- ➔ етарли касбий ва техникавий малакага;
- ➔ иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк қафолатномаси мавжудлиги;
- ➔ молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
- ➔ шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
- ➔ юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари

ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63, 223-19-14.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқоридеги кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 13 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги мuddати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин Қашқадарё вилоят ҳоқимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси биносида ўтказилади.

Манзил: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология мелiorатив экспедицияси «Ўзбекистон овози» газетасининг 2008 йил 10 июнь сонидеги эълонда тушириб қолдирилган Лот-9даги объект «Иштихон туманидаги «Хожа» зовурида тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (иккинчи босқичи). Қурилиш мuddати — 5,5 ой» деб ўқилишини маълум қилади.

Вниманию организаций и предприятий!

Акционерная компания «Узқурилишматериаллари» повторно ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ (ТЕНДЕР) на поставку запасных частей для ОАО «Кызылкумцемент»

ЛОТ 1. Чугун литейный не поименованный в алфавите (цильпессы) ТУ 0812-007-00282205-2007 в количестве 1000 тн. Условия поставки DAF – граница Республики Узбекистан	Заказчик ОАО «Кызылкумцемент»
ЛОТ 2. Мелющие изделия для шаровых мельниц, шары стальные мелющие, ГОСТ 7524-89 диаметром 80 мм, 2 группа твердости в количестве 1000 тн. Условия поставки DAF – граница Республики Узбекистан	
ЛОТ 3. Блок опорные- роликоспора в сборе: чертеж 1215.30.100.002 СБ в количестве 2 шт. Условия поставки СРТ г.Навай	
ЛОТ 4. Блок опорные- роликоспора в сборе: чертеж 1238.30.100.002 СБ в количестве 2 шт. Условия поставки СРТ – граница Республики Узбекистан	

Предприятия и организации, выступающие в качестве поставщиков должны соответствовать следующим требованиям: иметь необходимые профессиональные и технические квалификационные данные, обладать финансовыми средствами и другими материальными возможностями, надежностью, опытом и репутацией, обладать гражданской правоспособностью и правомочиями на заключение договора (контракта). Поставляемые материалы должны соответствовать мировым аналогам. Для участия в торгах и приобретения тендерной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга — Акционерная компания «Узқурилишматериаллари». Тендерная документация выдается после уплаты не возвращаемой суммы 600 долларов. Источник финансирования за счет собственных средств заказчика ОАО «Кызылкумцемент». Условия оплаты по факту поставки.

Платежные реквизиты:
АК «Узқурилишматериаллари» Адрес: г. Ташкент, Миракшова 68*
Расчетный счет: 20210000200127064001
SWIFT BIC: LUISUZ22, UZPROMSTROYBANK
TASHKENT, UZBEKISTAN CHIPS UID: 353886
TELEX: 116342TRONUZ
Валютный счет: 20210840500127064002
МФО 00424 город Ташкент
Идентификационный номер 200625030

Конкурсные предложения должны быть доставлены организатору торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Миракшова 68а.
АК «Узқурилишматериаллари» тел: 254-48-39, 254-97-29, факс: 255-77-07.

Крайний срок представления оферт организатору торгов к дню и часу вскрытия оферт. Вскрытие оферт состоится через 30 дней после опубликования объявления.

ГАЗК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер №5, 2008 года на приобретение цельнокатаных колес РУ 950 ступица 175 для грузовых вагонов в количестве 5000 штук согласно графика поставки (3-4 квартал 2008 года).

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЗК «Ўзбекистон темир йуллари» Управление «Темирйўленилгита-мин», комната 410 тел: 237-94-72, 237-96-33.

Илм даргоҳларида

ТИББИЙ АМАЛИЙ ТАЖРИБА

Тошкент вилоятидаги Зангиота тиббиёт коллежиди жорий йилда 888 нафар талаба тахсил олди.



Синов имтихонларини муваффақиятли тоширган коллеж талабалари пойтахт ва вилоятдаги нуфузли даволаш профилактика муассасалари, Тошкент Тиббиёт академияси ва илмий-текшириш институтларининг клиникалари ҳамда тумандаги оилавий поликлиникаларда амалий машғулотлар ўтказди.

Талабаларнинг коллежда эгаллаган билимларини мустахкамлаш ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида «Иқтидорли ўқувчилар» маркази ташкил этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги талаба-ёшларнинг келажақда малака-

ли ёшлар устозлари раҳбарлигида илмий изланишлар олиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги талаба-ёшларнинг келажақда малака-

ллар асосий ўрин тутди. Абдывоси ҲАЙДАРОВ.

Суратда: коллежнинг биология фани ўқитувчиси Гули Абдурахмонова дарс жараёнида.

Муаллиф олган сурат.

Аждодлар мероси

Тошкентнинг эски Сапёрлар, ҳозирги Миробод кўчасида халқимизнинг ардоқли фарзанди Абдулла Авлоний яшаган. Адбнинг бизгача сақланиб қолган табаррук қўлёзмалари, кўплаб китоб ва ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Абдулла Авлоний ўзбек болалар адабиёти, миллий театри, драматургияси, педагогика ва матбачилигининг асосчиларидан биридир.

БУЮК МАҚСАДЛАРГА САФАРБАР ИНСОН

Ўтган аср бошларида Ўрта Осиё ва Кавказнинг кўпгина шаҳарлари ҳамда Козонда юзлаб зиёлилар чор мустамлакачиларни истибдодидан қолоқ аҳолга тушиб қолган ўз халқларининг ижтимоий-маданий турмушини, онги-савиясини кўтариш, тараққий эттириш мақсадида маърифатчилик ишларини олиб бордилар.

Улар дастлаб асқича таълим тизимини ислоҳ этиш масаласини илгари сурдилар ва шу ниятда товуш методига асосланувчи «усули савтия» ёки «усули жаҳид» мактаблари очдилар. Европача йўналишдаги театр тўғрисида турли газета ва журналлар чикардилар. Театр томошалари ва матбуотдан тушган маблағни дунёвий илмларни ўқитадиган янги усулдаги мактаблар учун сарфладилар ва бу мактабларда маҳаллий халқ болаларини ўқитдилар.

тимизда кенг нишонланди.

Истиқбол Абдулла Авлонийнинг номи ва асарларининг эмас, айна чоғда у ва маслакдошлари озуларини ҳам рўёбга чиқарди. Биргина умумий ўрта таълим соҳасида мустақиллигимизнинг ўн етти йили давомида амалга оширилган ишлар, кадрлар тайёрлаш ва мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дастурлари маърифатчи бобларимиз хотирасига қўйилган ўзига хос маънавий обидалар бўлиб қолди, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний туғилган кунга роппа-роса 130 йил тўлди. Юртбошимиз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида дунё маънавий ислохотлар ва шахс камолоти борасида сўз юритганда, Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», деган ҳикматли сўзларини ёдга оладилар. Маъно-мазмун жиҳатдан бағоят теран, назарий ва амалий билим, қараш ҳамда кузатишларининг, ҳаётий таҳрибаларининг ўзига хос фалсафий умумлашмаси бўлган «Оқсак маънавият — энгилмас куч» номи асарларида ҳам Президентимиз ушбу ҳикматли иборани эслаб, куйидаги мулоҳазани билдирадилар: «Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бўшида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади».

Шу ўринда бобомизнинг куйидаги фикрларини яна бир бор ёдга олоққ ўринли: «Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойна ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур... Ёху, бизга на бўлди? Боболаримиз йўлидан чиқиб кетди! Яхши кўшинингдан олгунча ёмон уйингни қидир, демишлар. Боболаримизга етушган ва яраган муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас. Ёз уйимизни қидирсак ва оҳтарсак, йўқолганларини ҳам топаримиз».

Бу фикрлар нафақат тил ва адабиётимиз, яна кўплаб қадриятларимизни, миллий хусусиятларимизни ҳам асраб-авайламоққа бир даъватдир. Бу ҳикматли сўзлар яна кўп дурдона фикрлари қатори Абдулла Авлонийни бизга замондош этади.

Шўхрат РИЗАЕВ

БИР-БИРИГА ЎХШАМАГАН ЎЙИНЛАР

Гуруҳ босқичининг дастлабки турида амалдаги қитъа чемпиони Греция ва жаҳон чемпиони Италия терма жамоалари рақибларига имкониятни бой бериб қўйди

Кичик жаҳон чемпионати номини олган мазкур нуфузли мусобақа учрашувлари бугун дунёнинг миллионлаб футбол ишқибозларини ўзига ром қилган. Маълумотларга қараганда, йигирма уч кун давом этадиган чемпионатдан ўрин олган 31 учрашувни стадионларнинг ўзиди бевоисита бир миллион элик мингдан зиёд муҳлис кузатар экан. Эътиборли жиҳати, теле-трансляциялар орқали ер курашининг турли мамлакатларида саккиз миллиондан кўпроқ футбол байрамни томоша қилиш имконига эга бўлади.

Гарчи, мусобақанинг «А» ва «В» гуруҳларида яқунланган дастлабки тур баҳсларида кутилмаган натижалар кайд этилмаган бўлса-да, қатнашчилар ўзига хос ҳужумкор ва мафтункор футбол намойиш этидилар. Чемпионатнинг «С» гуруҳидан жой олган Руминия — Франция терма жамоалари ўйини эса чин маънода миллионлаб муҳлис-лар қалбини ҳажжонга солди. Олдиндан турли башоратлар қилишга одатланган ақсарият ишқибозлар ушбу ўйинда 2006 йилги жаҳон чемпионати финалчиси — француз футболчилари имкониятини юқори баҳолашга ётган эди. Аммо бу учрашув кутилмаганда нурсиз дуранг билан яқунланди — 0:0.

Гуруҳнинг Голландия — Италия терма жамоалари баҳси муҳлисларга ўзига хос кўтаринки кайфият бахш этганлигига шубҳа йўқ, 1988 йилги Европа чемпиони Ван Бастен бош мураббийлик қилаётган Голландия футболчилари бу гал ўз олдларига жиддий мақсадлар кўйганликларини билдирди. Жаҳон футбол юлдузлари қаторида номлари тилга олинадиган Жанлуизи Буффон, Андреа

сига ҳисса қўшди. — 3:0. Дастлабки турда машҳур голландиялик мураббий Гуус Хиддинк бошчилигида Испания футболчиларига қарши майдонга тушган россияликлар рақибларига ҳар жиҳатдан имкониятни бой бериб қўйди. XIII Европа чемпионатининг илк «хет-трик» айнан ушбу учра-

жамоасининг йирик ҳисобдаги ғалабасини таъминлади — 4:1.

— Испания футболчиларининг таҳриба ва маҳоратини инкор этмайман, — деди учрашувдан сўнг Россия терма жамоаси бош мураббийи Гуус Хиддинк. — Аммо ўйиннинг бундай йирик ҳисобда яқунлашганини кутмаган эдим. Жамоамиз аъзоларининг ёш болаларча йўл қўйган хато-ларидан рақибларимиз унумли фойдаланишганини тан оламан. Лекин бундан фожиа ясаш ярамайди. Чемпионат эса энди бошланди. Мен Австрия ва Швейцария майдонларида ўтаётган учрашувларни телевизор қаршидада ўтириб томоша қилмоқчимсан. Греция ва Швеция терма жамоаларига қарши ўтадиган баҳсларда албатта ўзимиз учун керакли натижани кайд этишга ҳаракат қиламиз. Умид қиламанки, чорак финалчилар қаторида Россия терма жамоаси ҳам бўлади.

Чемпионатнинг биринчи турини яқунлаб берган ўйин амалдаги Европа чемпиони — Греция терма жамоаси ва Швеция футболчилари ўрта-сида ўтказилди. Унда швейцарияликлар киритган жабоисиз икки тўп Греция вакилларини илк мағлубиятни тан олишга мажбур этди.

Эркин ХОЛБОБО

Пирло, Женаро Гаттузо, Алессандро Дел Пьеро, Лука Тони сингари футболчилардан таркиб топган Италия терма жамоаси тўқсон дақиқа давомида голландлар қаршидада ожиз қолишди. Руд Ван Нистелрой, Уэсли Снейдер, Жовани Ван Бронхорстларнинг бир-биридан чиройли голлари Голландия терма жамоасининг амалдаги жаҳон чемпиони бўлишдан йирик ҳисобдаги ғалаба-

шувда қайд этилди. Россия терма жамоасининг химоя чизми-гидаги кўпол хатолардан унумли фойдаланган Испания ҳужумчиси Давид Санчес Вилья рақиб дарвозасини уч бор аниқ нишонга олди. Тўғри, ўйиннинг 85-дақиқасида Роман Павлюченко ўртадаги фарқни қисқартиришга эришганди. Бироқ, орадан бир неча дақиқа ўтиб, Фабрегас томонидан йўлланган тўп Испания терма



Китоб жавонингизга

«ЯХШИДАН НОМ ҚОЛАДИ»

Дунёда шахс ҳақида сўз топиб айтиш жуда мушкул. Бунинг ўзига яраша масъулият бор. Лекин орамаида шундай ижодкорлар борки, улар ана шу ишни бўрттириш, мукаммал даражада китобхоналарга еткази олишади. Яқинда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маҳмуджон Комилжоновнинг «Яхшидан ном қолади» деб аталган ҳужжатли бадий қиссаси қўлимга тушиб қолди. Журналистикада қалам чарқаланган Маҳмуджон шубҳа китобида таниқли профессор Маҳмаджон Комиллов билан боғлиқ ёрқин хотираларини баён

этган экан. Китобни ўйигач, муаллиф йиллар давомида уни ёзишга тайёрларлик кўрганга амин бўлдим.

Ўзбекистонда офтальмология мактабини яратган олим ҳақида даббуотимиз саҳифаларида кўплаб мақолалар эълон қилинган. Шунингдек, адабиётлар ҳам яратилган. «Яхшидан ном қолади»нинг ютуғи шундаки, олимнинг нафақат моҳир жарроҳлиги айна чоғда инсоний фазилатлари ҳам жуда гузал қилиб тасвирлаб берилган. Яна асарни ўқисангиз, меҳнат ортида роҳат, илм, обрў-ҳурмат, мавқе ва эътибор мужассам,



деган ҳаётий хик-матга дуч келасиз. Маҳмаджон Комиллов ҳаёти ва илмий фаолияти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар шундай ёритиб берилганки, ҳеч бир тўхталишсиз ўқиб чикасиз.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Маҳмаджон Комиллов умрининг хар онини ганимат билиб, шифокорликкек муқаддас бурчига содиқ қолди. Умри давомида кирқ мингдан ортиқ кишининг кўзига нур беришга, яъни уларни дунёни қайтадан кўришдек бахтга мушарраф этди. Бу эса ўз-ўзидан бўлмагани аниқ. Худди ана шу жараёнлар китобда ёрқин акс эттирилган.

Юнус ЗИЁВОВ, фахрий журналист.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти жамоаси олий тоифали шифокор Зухра Одиловна СОЛИЕВАНИГ вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси

хар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ўтказиладиган кимшоди савдоларига шу йилнинг 15 июлидан куйидаги автотранспорт воситалари аукцион савдоларига қўйилишини маълум қилади:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, У.Юсупов кўчаси, 54-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура си хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидида: — 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ВС 927 бўлган «ГАЗ-53» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 6 000 000 сўм; — 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ВС 375 бўлган «ГАЗ-310290» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 3 500 000 сўм; — 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 712 бўлган ДЭУ «Супер-салон» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 9 000 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли, 417-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси соғ'лиқи сақлаш вазирлиги Тиббиёт-санитариya бирлашмасининг Markazlashgan avtobazasi тасарруфидида: — 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АГ 956 бўлган «РАФ-2203-01» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 2 000 000 сўм; — 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 848 бўлган «РАФ-2203» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 2 200 000 сўм; — 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АГ 959 бўлган «РАФ-2203» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 2 200 000 сўм; — 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АГ 957 бўлган «РАФ-2203» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 2 000 000 сўм;

— 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АХ 022 бўлган «КАВЗ-685М» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи — 4 650 000 сўм. Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридида зақалат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхташилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади. Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефон: 233-02-49.

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Feruz NAZIROV, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Norqobil JALIL, G'afhor HATTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Nomoz SA'DULLAYEV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI; BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Mas'ul kotib, Reklama va e'lonlar, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda; MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY; Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV; Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi; Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV; «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy; Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. 12311 nusxada bosildi. T — Tijorat materiallari. O'za yakuni — 21.00. Topshirilgan vaqti — 22.45. 1 2 3 4 5 6 7. Sotuvda erkin narxda.